

Минг олтин сири



14:00 / 30.11.2024 1782

Кунларнинг бирида бир киши Ҳусайн розияллоҳу анхунинг эшигини тақиллатиб, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аҳли байтидан ёрдам сўраганини айтиб, аҳволини шундай изоҳлади:

«Эй пайғамбарнинг ўғли! Мен бирорнинг хуни учун кафил эдим, лекин уни тўлашга қодир эмасман. Уни одамларнинг энг шарафлисидан сўрасам, яхши бўлади деб ўйладим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг оиласидан ҳурматлироқ одам хаёлимга келмади».

Қисқа суҳбатдан кейин Ҳусайн розияллоҳу анху: «Биродар, отам Алийдан эшитдимки, ҳар бир инсоннинг қадри қилган яхши амали билан ўлчанади», деди. Сўнг сўзини шундай давом эттириди: «Бобом Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам: «Инсонларга илми ва лаёқатига кўра яхшилик қилинглар», деганлар. Ҳозир мен сенга учта савол бераман. Агар учала саволимга ҳам жавоб берсанг, қўлимдаги шу олтин тўла халтачани сенга бераман. Агар иккитасига жавоб берсанг, учдан икки қисмини бераман. Агар биттасига жавоб берсанг, учдан бир қисмини бераман».

Ҳалиги одам ҳам хижолат тортди, ҳам ҳайрон қолди. Бўйини эгиб, мулойимлик билан: «Сиз илм манбаисиз! Лекин шуни лозим топсангиз, сўранг. ИншаАллоҳ, жавоб беришга ҳаракат қиласман», деди.

Ҳусайн розияллоҳу анху табассум билан сўради, у киши жавоб берди:

- Энг яхши амал нима?

«Имон».

- Одамни ҳалокатдан нима қутқаради?

«Аллоҳга ишониш».

- Инсоннинг зеб-зийнати нима?

«Сабр билан чамбарчас боғлиқ илм»

«Агар у бўлмаса-чи?»

- Сахийлик билан чамбарчас боғланган бойлик».

«Агар у бўлмаса-чи?».

- Очиқкўнгиллик билан чамбарчас боғланган қашшоқлик».

«Агар у бўлмаса-чи?».

«Унда яшагандан кўра, чақмоқ уриб, жойида куйиб ўлган яхши».

Ҳусайн розияллоҳу анҳу жилмайиб, ичига минг тилло танга солинган ҳамённинг ҳаммасини унга берди. Бунга қўшиб, икки юз дирҳамлик узук ҳам совға қилди. Ҳусайн розияллоҳу анҳу ҳадяларни бераётганида: «Мана бу тилла динорларни қарз эгаларига бер, бу узук (сотиш) билан эҳтиёжларингни қопла», деб маслаҳат берди. Ҳалиги одам шунча эҳсон олдида ҳайратини яшира олмади. Ўзини қўлга олиб, қуидаги оятни ўқиди:

«Ўз рисолатини қаерга қўйишни Аллоҳнинг Ўзи яхши биладир»
(Анъом сураси, 124-оят).

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 26 марта 03-07/1613-сонли хуносаси асосида тайёрланди.